O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 10 (9.048) * 1998 йил 26 январь, душанба * Сотувда эркин нархда




***Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Истиқлол қалдирғочларидан ҳисобланади. Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган жуда қисқа давр ичида у жаҳондаги энг йирик молия муассасаларидан бирига айланди. Миллий банкнинг дунёдаги энг нуфузли бир мингта банк ўртасида 596-ўринни эгаллаб турганлиги ҳамда жаҳоннинг энг ишончли банки, деб ҳисобланиши бунинг далолатидир.***

Мустақиллик мевалари

## УЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ

Миллий банкнинг низом сармояси 470 миллион АҚШ долларини, активлари эса 3,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Банк тўловларни жаҳоннинг хоҳлаган мамлакатига энг замонавий алоқа тизимлари орқали бир неча сонияда ўтказиши мумкин. У ҳозирнинг ўзида дунёдаги энг йирик 412 та банк билан корреспондентлик муносабатларига эга.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бўлимлари бугунги кунда мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида, вилоят марказлари ва туманларида мавжуддир. Улар аҳолига барча турдаги банк хизматини кўрсатмоқда. Миллий банк мамлакатимизга хорижий сармоялар тушадиган асосий молия муассасаси ҳисобланади. Унинг фаолияти республикамиз иқтисодиёти тараққиёти билан бевосита боғлиқдир.

Аввал хабар берганимиздек, Президентимиз Ислом Каримов 8 январь куни Тошкентда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг йигирма икки қаватли янги биносини бориб кўрди ва банк иш фаолияти билан атрофлича танишди. Давлатимиз раҳбари банкнинг ёш мутахассислари билан ҳам суҳбатлашди. Президентимиз уларни келажагимиз вориси, деб атади. Уларни ўз қобилияти, иқтидорини одамларнинг тафаккурини, мулкка муносабатини ўзгартиришга, шу орқали ислоҳотлар бераётган имкониятлардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратишга даъват қилди.

Биз Президентимиз билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган Миллий банк ёш мутахассисларидан ушбу учрашув тўғрисидаги таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилдик:

**Абдуносир ҚОСИМОВ, банк дилинг операциялари бошқармаси қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи:**

— Мамлакатимиз иқтисодиёти янги бозор муносабатларига ўтмоқда. Бозор қонунлари эса банк ходимлари юксак даражали тайёргарликка эга бўлишини тақозо этади.

Шахсан ўзим чет тиллар институтини аъло баҳоларда битиргандан сўнг Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам таҳсил олдим. АҚШ, Швейцария, Туркия банкларида ихтисослигим бўйича малака оширдим.

Бизнинг дилинг операциялари бошқармамиз давлат қисқа муддатли облигацияларининг ички ва ташқи бозорлари билан шуғулланади. Миллий банк, бу қимматли қоғозлар бозорида энг йирик иштирокчи ҳисобланади. Ўтган йили давлат қисқа муддатли облигациялари билан операциялар айланмаси 32,8 миллиард сўмликни ташкил этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов банкимизда бўлиб, биз билан суҳбатлашганда аҳоли пул маблағларини ана шу қимматли қоғозлар бозорига жалб этиш масаласи билан қизиқдилар.

Афсусланиб айтишимиз керакки, фуқароларимизнинг қимматли қоғозлар турлари — акциялар, облигациялар, векселларнинг афзалликларидан яхши хабардор эмасликлари уларга даромад олишнинг бу жуда муҳим манбаидан фойдаланиш имконини бермаяпти. Шунинг учун Президентимиз бизнинг олдимизга мана шу муаммони ҳал этишда фаол иштирок этиш вазифасини қўйдилар.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг банк фаолиятининг ипидан игнасигача ўта хабардор эканликлари мени ҳайратга солди. У киши банк фаолиятини ўзига хос жуда тор хусусиятлари тўғрисида ҳам кенг мушоҳада юритдилар. Президентимиз республикамиз тараққиётини банк муассасаларининг самарали фаолияти орқали ҳам таъминлашга катта аҳамият бердилар. Шахсан ўзим ва ҳамкасбларим Ислом Каримов билан бўлган бу мулоқотни бир умрга эсда қоларли таассуротлар олдик.





**Дамир ОРТИҚОВ, банк автоматлаштириш ва компьютерлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:**

— Мен Тошкент политехника институти дипломига эгаман. Ҳозир Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тугаллаяпман. Замонавий алоқа тизимлари масалалари билан шуғулланаман. Пластик карточкалар билан ишлаш бўйича Англияда ўқув курсида малака орттириб қайтдим. Электрон тўловлар бўйича АҚШ, Франция, Кипрда бўлиб ўтган йирик анжуманларда иштирок этганман.

Замонавий банк, унинг барча бўлимларини бугунги кунда қудратли алоқа тизимларисиз ва ахборот таъминотисиз тасаввур этиб бўлмайди. Менинг вазифаларим доирасига банк раҳбарияти учун энг мақбул банк технологияларини танлаш бўйича асосли таклифлар тайёрлаш ҳам киради.

Миллий банк замонавий технологиялардан фойдаланиши натижасида ўз мижозларига улар қайси жойда — шаҳардами, вилоят марказидами, тумандами бўлишидан қатъи назар барча турдаги банк хизматларини кўрсата олади. Мен буларнинг ҳаммасини Президентимиз Ислом Каримовга гапириб бердим. Давлатимиз раҳбари иложи борича кўпроқ мутахассисларимиз банк технологияси бўйича чуқур билимларга эга бўлишлари зарурлиги тўғрисида бизга қимматли маслаҳатлар бердилар.

**Наргиза КАРИМОВА, банкнинг дилинг операциялари бошқармаси етакчи мутахассиси:**

— Мен Тошкент Давлат университетини тугаллаганман. Прагада жаҳонда энг йириклардан ҳисобланган «Файнешнел таймс» молия газетаси томонидан ташкил этилган халқаро анжуманда иштирок этганман.

Президентимиз Ислом Каримов биз билан суҳбатлашар эканлар, банкимиз мутахассисларининг бугунги кунда нодир металлар бозоридаги аҳвол, унинг ривожланиши истиқболлари ҳамда бу бозордаги операциялар республикамизга қандай даромад келтириши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлари билан қизиқдилар. Президентимизнинг бу соҳадаги ҳам ғоят чуқур мулоҳазалари ҳаммамизни ҳайратга солди. Умуман олганда уларнинг ҳар бир фикри биз учун жуда катта сабоқ вазифасини ўтади.

Давлатимиз раҳбари кўздан кечирган миллий банкнинг янги биноси ўзининг техникавий жиҳозланиши билан жаҳондаги энг йирик банклардан қолишмайди. Президентимиз бизнинг эътиборимизни агар банкнинг ҳар бир мутахассиси чуқур билим ва малакага эга бўлмаса, ўзини ҳақиқий ватанпарвар деб ҳис этмаса, мамлакатимиз равнақи учун фидойилик кўрсатмаса, бу ўта замонавий бино ва юксак техникавий жиҳозларгина яхши самара бермаслигига қаратдилар.

Олтин бозорини, унинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ва истиқболни белгилаш бутун бир фан ҳисобланади. Давлатимиз раҳбарияти ғамхўрликлари туфайли миллий банкимиз мутахассислари олтин бизнесининг энг йирик мутахассислари билан учрашиш, улар билан мулоқотда бўлиш, зарур билимлар ва малака эгаллаш имкониятига эгалар. Банкимиз барча мутахассислари қатори мен ҳам давлатимиз раҳбари билан учрашувдан руҳланиб, янада самаралироқ ишлашга ҳаракат қиляпман.



**Шуҳрат ФАЙЗУЛЛАЕВ, банк кредит карточкалари марказининг бўлим бошлиғи:**

— Миллий банк электрон тўлов воситалари — пластик карточкалар билан ишлаш тажрибасига эга республикамизда биринчи ва ҳозирча ягона банкдир. Мен Тошкент давлат техника университетини тугаллаганман. Ҳозир Тошкент молия институтидаги ўқишимни ниҳоясига етказмоқдаман. Болгариянинг Варна, Москва шаҳарларидаги халқаро анжуманларда ўз мутахассислигим бўйича илғор услубиётларни ва тажрибани ўрганиб қайтдим.

Биз ҳозирги пайтда мамлакатимизда пластик карточкаларни жорий этишнинг энг мақбул йўлларини танлаяпмиз. Бутун дунёда электрон тўловлар энг қулайлиги ва ишончлилиги билан кенг оммалашган. Президент билан учрашув пайтида мен давлатимиз раҳбарига сўмли пластик карточкадан банкоматда фойдаланишнинг қулайлигини кўрсатиш бахтига муяссар бўлдим. Давлатимиз раҳбарининг бунга катта қизиқиш билан муносабатда бўлганликларидан бошим осмонга етди.

**Фазлиддин УРУМБОЕВ, банк дилинг операциялари бошқармасининг бошлиғи:**

— Мен Тошкент халқ хўжалиги институтини тугаллаганман. Швейцарияда малака орттирганман.

Президентимиз бошқармамиз фаолияти, жаҳон фонд бозорларидаги аҳвол чуқур таҳлил этилишини таъминлайдиган мутахассисларимиз иши билан жуда батафсил қизиқдилар. Биз давлатимиз раҳбарига халқаро валюта бозорларида операцияларни амалга ошириш имконини берадиган «Дилинг рум» бўлинмамиз иши, Миллий банкимизнинг жаҳондаги йирик банклар билан алоқаларини таъминлайдиган ҳамда жаҳон молия бозорлари ва биржаларига чиқиш имконини берадиган замонавий алоқа воситалари тўғрисида гапириб бердик.

Биз, банк ўрта бўғин раҳбарларининг Англия ва Германияга амалий сафарларимиз, Венеция ва Чехиядаги анжуманларда иштирок этишимиз чет эллик дилерлар билан шахсий алоқалар ўрнатишга кўмаклашмоқда. Банк фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бундай шахсий алоқаларсиз жиддий масалаларни муваффақиятли ҳал этиб бўлмайди. Бу ўринда жуда мамнуният билан бошқармамиз мутахассисларининг билими ва малакаси Ғарбдаги ҳар қандай йирик банк мутахассиси билими ва даражасидан кам эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Бизнинг Президентимиз Ислом Каримов билан мулоқотимиз ҳар бир ёш мутахассис қалбида мустақил давлатимиздан ғурурланиш ва фахрланиш ҳис-туйғуларини кучайтириб юборди. Келажаги буюк Ўзбекистонимиз иқтисодий ва молиявий жиҳатдан янада бақувват бўлиши учун билим ва тажрибамизни ҳам, куч-ғайратимизни ҳам аямаймиз.

***Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг бу ёш мутахассислари билан биз ҳам фахрлансак арзийди. Уларнинг давлатимиз раҳбари билан учрашувдан олган таассуротлари ҳалигача қалбларни тўлқинлантириб келяпти.***

***Миллий банкнинг бу осмонўпар янги биноси мустақиллик берган янги имкониятларнинг яна бир ёрқин кўриниши, дунё миқёсида юртимиз нуфузининг, мамлакатимиз салоҳиятининг тимсоли бўлса, бу ерда ишлаётган ёш мутахассислар Ўзбекистон келажагининг ворислари тимсолидир.***

*Эркин МАДИЁРОВ.*

*СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги биноси; банкнинг ёш мутахассислари иш устида.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигида Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз раҳбари миллий дастурни амалга ошириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларни кўрсатиб берди.

● Шанба куни Тошкентда пойтахтни ободонлаштириш ва тозалаш бўйича умумшаҳар ҳашари ўтказилди.

● Республика прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган мажлисида ўтган йили прокуратура органларининг қонунийликни таъминлашга доир ишлари якунлари ва бу йилги вазифалари муҳокама қилинди.

● Навоий вилояти ҳокимлиги музейларга моддий ёрдам кўрсатиш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш мақсадлари учун маҳаллий бюджетдан 5 миллион сўм маблағ ажратди.

● «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг профилакторийси республиканинг идоравий даволаш муассасалари ичида 1997 йилда энг яхши, деб топилди.

### ЖАҲОНДА

● Боннда Президент Ислом Каримовнинг Германиянинг Дюсселдорфдаги нашриёти томонидан чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Москвадаги Г. Плеханов номли Россия иқтисодиёт академиясида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов Токиога келди. У бу ерда Жаҳон банки таркибига кирувчи Халқаро молия корпорацияси, Япониянинг Экспорт-импорт банки ҳамда Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўтказилаётган «Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятлари» анжуманида иштирок этади.

● Ўтган куни Душанбеда Тожикистонда миллий ярашув бўйича комиссия бундан бироз илгари Бирлашган тожик мухолифатчилари бу комиссиядаги фаолиятларини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилганларидан сўнг яна ўз ишини бошлади. Комиссия мажлисида Тожикистонда тинчлик ўрнатиш бўйича маъмурлар ва мухолифатчилар томонидан имзоланган аҳдлашув қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилишга киришилди.

● Кеча Россия Давлат думасининг раиси Геннадий Селезнев бошчилигидаги парламент делегацияси Душанбега келди. Делегация аъзолари Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашадилар, икки мамлакат ўртасида парламент алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан музокаралар ўтказадилар.

● Россия Президенти Борис Ельцин билан Украина Президенти Леонид Кучма ўртасида норасмий учрашув 30—31 январь кунлари бўлиб ўтиши маълум қилинди.

● Шанба куни Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиев бир кунлик ташриф билан Тбилисида бўлди. У Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзени таваллуд топган кунининг 70 йиллиги билан қутлади ҳамда Каспий нефтини Грузия ҳудуди орқали Европага узатиш имкониятларини муҳокама этди.

● Бугун Ҳиндистон халқи миллий байрам — Республика кунини нишонламоқда.

● Франция Президенти Жак Ширакнинг бугун ниҳоясига етадиган Ҳиндистонга уч кунлик расмий ташрифи давомида асосан икки мамлакат ўртасида ҳозир талаб даражасида бўлмаган савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

● Ироқ БМТ махсус комиссияси аъзоларига ўз ҳарбий иншоотларини текширишга монелик кўрсатганидан сўнг бу ердаги вазият кескин тус олмоқда. Шанба куни АҚШ Президенти Билл Клинтон ўзининг маслаҳатчилари билан кенгаш ўтказганидан сўнг Америка Ироққа яқин вақт ичида ракета-бомба зарбалари бериши мумкинлигини айтди. Ҳозир АҚШнинг «Индепендес» авианосеци шошилинч равишда Форс кўрфазига йўл оляпти. Ироқ эса қўшимча сафарбарлик эълон қилди.

● Бугун БМТ Хавфсизлик Кенгашида Ироқдаги вазиятни муҳокама этиш давом этади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — АҚШ билан Буюк Британия Ироққа нисбатан куч ишлатиш тарафдори бўлсалар, Россия, Хитой ва Франция можарони тинчлик йўли билан ҳал этишни ёқлаб чиқмоқдалар.

● Бугун БМТ Бош котиби Кофе Аннаннинг Европа мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. У Париж ва Лондонда бўлганидан сўнг Швейцариянинг Давос шаҳрида ҳар йили ўтказиладиган иқтисодий анжуманда иштирок этиш учун йўл олади.

● Бугун Молдова Президенти Петр Лучинский Европа комиссиясининг раиси Жак Сантернинг таклифига биноан икки кунлик ташриф билан Брюсселга келди. У бу ерда шунингдек Бельгия қироли Альберт II, НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан ҳам учрашади.

● Шанбадан якшанбага ўтар кечаси АҚШнинг кўп марта фойдаланиладиган «Индевор» кемаси Россиянинг «Мир» орбитал станцияси билан туташтирилди. «Индевор»даги 7 нафардан иборат АҚШ — Россия экипажи таркибида миллати бўйича ўзбек, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида туғилган Солижон Шарипов ҳам бор. Солижон Шариповни «Индевор» космосга парвоз қилган АҚШнинг Флоридадаги Канаверал бўғозидаги космодромда кузатишда тошкентлик академик Шавкат Воҳидов ҳам ҳозир бўлди.

● Исроил Бош вазири Бениамин Нетаняху ҳукумат аъзоларига ўзининг Вашингтонда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан музокаралари ҳақида ахборот берди. Маълум бўлишича, Америка томони Исроилга Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ҳудудларнинг яна 12 фоизини Фаластин мухториятига беришни таклиф этибди.

● Японияда мисли кўрилмаган қаҳратон қиш давом этмоқда. Кеча мамлакатнинг Хоккайдо оролида рекорд даражада паст — 25 даража совуқ қайд қилинди.

● Москвада Ҳамдўстлик давлатлари чемпионлари кубогида Тошкент армиячилари биринчи учрашувда Киевнинг «Динамо» футболчиларига 0:3 ҳисобида ўйинни бой бериб қўйдилар.


**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИНИНГ ТЕНДЕР КОМИССИЯСИ**

1998 йилда ўз ишини давом эттириши тўғрисида маълум қилади.

КОМИССИЯНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ

1998 йил 2 февраль куни Тошкент шаҳар ҳокимлиги янги биносининг (Мовароуннаҳр кўчаси, 3-уй) мажлислар залида ўтказилади.

Мажлисда 1998 йилда шаҳар хўжалиги эҳтиёжлари учун металл прокати, пўлат қувурлар, металл маҳсулотлари, кальций карбиди, ёғоч-тахта ва ёғоч-кимё мажмуаси маҳсулотлари, кучланиш кабели, автошиналар, махсус авария машиналари ва йўл қурилиш техникаси етказиб бериш тўғрисидаги таклифлар кўриб чиқилади.

**Қўшимча маълумотларни Тендер комиссиясининг котибидан олиш мумкин. Алоқа учун телефон: (371) 133-63-53.**

*Саноат*

# ХАРИДОРИНИ ТОПЯПТИ

«Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти ҳам ўтган йилни самарали якунлади. Кенг истеъмол буюмлари сотиш ҳажми 25,5 миллион сўмни ташкил этди. Йил бошида режаланган кўрсаткичдан 3 миллион сўмликка яқин ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Асосан хотин-қизлар меҳнат қиладиган бу корхона бир неча йиллардан буён мижозлари эътиборини қозониб келаётган меҳнат жамоаларидан ҳисобланади. Бу ерда миллий каштачилик — палак, сўзана, дўппи тикиш цехлари мавжуд бўлиб, уларда турли-туман маҳсулотлар тайёрланади.

Биз жамият бошқарувининг раиси Саида Ғаниевани суҳбатга тортдик.

— Корхонамиз миллий бадиий буюмлар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Лекин биз буюртмачилар талаби асосида бошқа турдаги истеъмол буюмларини ҳам кўплаб ишлаб чиқарамиз. Хусусан ёш келин-куёвлар уйларини безаш учун сўзана, гулкўрпа, палак, шунингдек ҳар хил ёдгорлик паннолари, эркаклар учун турли кўринишдаги тўнлар, хотин-қизлар кўйлаклари, халат, дўппи, кўрпа-ёстиқ жилдлари ва чойшабларни тикиб чиқарамиз.

«Корхона шаҳримиздаги йирик жамоалардан саналиб, у йил сайин кўрсаткичларини яхшилаб бормоқда. Бунга қандай эришиляпти?» деган саволимизга бошқарув раиси шундай жавоб берди:

— Аввало бунга меҳнат интизомини яхшилаш, маҳсулот сифатини ошириш туфайли эришилмоқда. Иккинчидан, ишчиларга яратилган қулай шароитлар ҳам уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун қўл келмоқда. Масалан, бизда иш вақти маълум бир тартибга солинган. Ҳафтада беш кун ишлаймиз. Баъзи узрли сабабларга кўра ишга келолмай қолган аёлларимизга уй шароитида ҳам маҳсулот тайёрлаш имкониятини яратиб берганмиз. Шундайлар кундалик юмушларини уйларига олиб бориб керакли буюртмаларни ўша ернинг ўзида бажаравеdeterminришади.

Корхонамиз ёнида мактаб — боғча бўлиб, у ерда жамият аъзоларининг болалари ўқиб, тарбияланишади. Чунки оиласи тинч, фарзандлари бехавотир бўлган онанинг кўнгли хотиржам, иши эса унумли бўлади. Ҳар бир цехда дам олиш хоналари бор. Меҳнатдан бўш вақтларда ёки тушлик пайтида бу жойда кўнгилли ҳордиқ чиқариб, мазмунли дам олиш мумкин.

**— Ишчиларга тўланадиган маошлар ҳам чакки бўлмаса керак?**

— Меҳнаткашларга асосан ишлаган вақтлари, улар томонидан тайёрланган маҳсулотлар сифатига қараб маош тўланади. Ҳар бир ишчининг ойлик маоши ўртача 4, 5-5 минг сўмни ташкил этади. Илғор ишчиларга эса 30 фоизгача мукофот пули тўланади.

Кўргазмалар залига кирдик. У ерда деворга осиб қўйилган бир-биридан кўркам сўзана, гулкўрпа, палакларни кўриб чеварлар меҳнатига қойил қолдик. Барча сўзанаю, чойшаблар орасида алоҳида ажралиб турган табиат мўъжизаси каби жилоли сўзана эътиборимизни ўзига тортди. Қизиқиб шу ҳақда сўрадик.

— Бу палак-сўзана деб номланади, — тушунтирди бизга Саида Ғаниева. — Бошқа сўзаналардан анча фарқли бўлиб, бу палакни тикиш жуда мураккаб. Унинг барча кўриниши кашта билан тўлғазилади. Шунинг учун ҳам нархи бошқалардан 3-4 баробар қимматроқ. Бу маҳсулотимиз кўп меҳнат талаб қилгани учун ундан бир ойда бир дона тайёрланади, холос. Бундай буюмлар фақат юқори малакали чеварлар томонидан тикилади.

**— Маҳсулотини четга чиқаришни ўйламаган корхонанинг келажаги йўқ дейишади...**

— Каштачилик маҳсулотларимиздан бир қанчаси хориж юзини кўрди. Масалан ҳозирда ҳам сўзана-палак ва миллий нусхадаги дўппиларимизга чет эллик харидорлар етарли. Лекин бозор иқтисодиёти қўлга киритилган марра билан чегараланиб қолишни ёқтирмайди. Шунинг учун хорижликлар билан янги-янги шартномалар устида иш олиб боряпмиз, — дейди бошқарув раиси. — Масалан Англиянинг «Галакси» фирмаси билан спорт буюмлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона очиш ҳақида шартнома имзоладик. Март ойидан бошлаб ушбу қўшма корхонамиз ўз фаолиятини бошлайди. Наврўз байрамига ҳам тайёргарлик ишлари қизғин боряпти. Унга атаб ҳар хил совғалар ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз.

**— Ҳиссадорларга ўтган йил юзасидан дивиденд тўлаш тақсимоти қандай кўрсаткични ташкил этяпти?**

— Тахминий ҳисобларга кўра ҳар бир акцияларимизга 30-35 фоиз қўшимча ҳақ тўлашни мўлжаллаб турибмиз.

Пешқадам попоп цехи бошлиғи Маълума Самиғова билан суҳбатимиз ноёб миллий нусхалар тикадиган бўлимнинг иш фаолияти ҳақида бўлди.

— Цехимизда 15 та юқори савиядаги моҳир усталар меҳнат қилишади. Биз буюртмачилар талабига кўра ноёб нусхали миллий буюмлар тайёрлаймиз. Чеварларимиз янги-янги нусхаларни ўзлари ҳам чизиб, тикадилар. Маҳсулотларимиз сифати, хилма-хиллиги билан харидорлар диққатини тортади. Бунинг учун албатта бор имкониятдан фойдаланиб буюртмачилар дидига мос буюмлар тикишга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан ўтган йилги Мустақиллик байрами, Бухоронинг юбилей тўйига атаб тайёрланган янги нусхадаги эсдалик кўргазмалари ҳамда Маккаи Мадинанинг тасвири туширилган катта ҳажмдаги сўзаналаримиз қўлма-қўл бўлиб кетганлигини айтиш кифоя.

Шундан кейин жамият раиси бизга келажак режалари ҳақида гапириб берди.

— Ўтган йилги натижаларимиздан ўзимиз ҳам хурсандмиз. Энг муҳими сифатли маҳсулот тайёрлаб буюртмачиларимизни мамнун этдик. Келажак режаларимиз маҳсулот ишлаб чиқариш турларини кўпайтириб, цехларимизни янги технология билан жиҳозлаш, корхонамизга чет эл сармоясини кўпроқ олиб кириш, маҳсулот тайёрлашни жаҳон андозаси даражасига кўтаришдан иборат. Бу борада қатор тадбирларни белгилаб олдик. Хусусан янги йилда шартномачиларимиз билан 26 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан келишиб олинди.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*Матбаачилик*

# «РАСТР»: ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

***Кўплаб хорижий давлатларда ўз мижозларига эга бўлаётган, маҳсулотларининг сифати жаҳон андозалари даражасига жавоб бераётган «Растр» қўшма корхонаси бош директори, «Шуҳрат» медали соҳиби Рўзимат Сафоев билан суҳбатимиз аҳил жамоанинг бугунги фаолияти, келгусидаги режалари хусусида бўлди.***

**— Рўзимат ака, босмахона қачон ва нима мақсадда ташкил этилган?**

— Республикамиз мустақилликка эришгач, бизнинг мутахассисларимиз учун ҳам дунё миқёсидаги кўргазмаларда қатнашиш ҳуқуқига кенг йўл очилди. Шу билан бирга жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган машиналарни ҳам синаб кўриш имкониятига эга бўлдик. Собиқ иттифоқ даврида рангли китоблар, буклет ва умуман босма нашрлар асосан чет эл босмахоналарида босиларди.

Бизнинг қўшма корхонамиз ҳам истиқлол шарофати билан дунёга келди. «Ўзбекистон» нашриётида ишлаб юрган кезларимда юқори сифат талаб этадиган китоб ва қўлланмаларни хорижда чоп этиб келишга тўғри келарди. Шунда республика Давлат матбуот қўмитасига «Растр» босмахонасини очиш таклифи билан чиқдим. Шундай қилиб Буюк Британиянинг «Аларис» компанияси 50 фоиз, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси 10 фоиз, «Ўзбекистон» нашриёти 20 фоиз, Тошкент ижарадаги матбаа комбинати 20 фоиз улуш қўшиб, 1995 йилда ушбу қўшма корхонани ташкил этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар. 1996 йилда эса босмахона иш бошлади. Илк маҳсулотимиз эса «Халқ сўзи» газетасининг мустақилликка бағишланган махсус рангли сони бўлди.

**— Корхонада иш қандай ташкил этилган?**

— Босмахонамизнинг замонавий техника билан жиҳозланганлиги, ишчиларимизнинг бу янги дастгоҳларни моҳирлик билан бошқара олиши жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини бермоқда. Биз ишчиларни танлов асосида саралаб ишга қабул қиламиз. Бунда албатта ишчидан юқори малака, қунт, ўз ишига меҳр, иш вақтида бекор туриб қолмаслик талаб этилади. Ишимиз 3 сменада ташкил этилган. Жамоамизда меҳнат қилаётган 117 нафар ишчи ўз вазифасини тўла англаган ҳолда ишлайди. Яратилган қулай шароитлар, моддий манфаатдорлик ишчиларимизни янада ғайрат кўрсатиб ишлашга ундамоқда. Ишчиларни саралаб олишимиз маҳсулот сифатини яхшилашда асосий омил бўлаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Уларнинг барчаси ўз меҳнатларига яраша ҳақ олишади. Шу боисдан бўлса керак, ҳали фаолиятимиз давомида бирорта мижознинг кўнглини ранжитиб, ноқулай вазиятга тушиб қолганимиз йўқ. Буюртмаларимиз кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Айниқса, ушбу йилни ўзларининг баракали меҳнатлари билан безашга аҳд қилган босма цехи бошлиғи Равил Абдуллаев, рассом Орифжон Саидназаров, ишчи Нуриддин Мирзаев ва бошқа жуда кўплаб ишчи-хизматчиларимиз айни кунларда ўзгача ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

**— Босмахона қайси хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган ва жамоа чет давлатларга чиқарилаётган маҳсулотларни ўз вақтида тайёрлашга қурби етадими?**

— Босмахонамиз асосан Австрия, Венгрия, Германия, Туркия давлатлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Бизнинг мутахассисларимиз ушбу давлатларда бўлиб, ўз малакаларини ошириб келишди. Янги иш юритаётган давримизда эса хорижлик ҳамкорларимиз вакиллари келиб ишчиларимизга иш ўргатишда ёрдам беришди. Чунки барча матбаа машина-ускуналарини хориждан, асосан Германиядан олиб келиб ўрнатганмиз-да. Орадан кўп вақт ўтмай ишимиз ўз самарасини берди. Маҳсулотларимиз жаҳон бозоридан ўз харидорини топа олишига эришдик. Америка, Англия, Австрия, Голландия, Швейцария, Корея, Исроил, Германия, шунингдек қўшни давлатлар Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистонга бюртма асосида ўз маҳсулотларимизни экспорт қиляпмиз. Сифатга асосий эътибор қаратишимиз, буюртмаларни вақтида бажаришимиз ҳамда ишчиларимизнинг ўз ишларини бажонидил уддалашлари жамоамизнинг ўз ишига пухталигидан, ҳар қандай буюртмани кечиктирмай тайёрлашга қодирлигидан далолатдир.

**— Корхонанинг келгуси ҳақида, янги маҳсулот турлари тўғрисида ҳам гапириб ўтсангиз.**

— Ўтган йилда 110 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладик. Янги йил режалари бундан ҳам юксак. Яхши ният билан бошлаган ишимиз секин-аста ўз самарасини бераётган экан, ана шу муваффақият бизни янада улкан натижалар сари чорлаши ўз-ўзидан аён. Буюртмаларимизни вақтида тайёрлаш учун яна 50 нафар иш кучига мўлжалланган янги цех қурилишини бошлаб юбордик. Яқин кунларда бу цех ҳам ўз маҳсулотларини чиқара бошлайди. Маҳсулот турларини кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яна ҳам юқорига кўтарамиз. Шунингдек, асосий маҳсулотлардан ташқари «салфетка»лар, турли таклифномалар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқдамиз. Келгусида қўшма корхонани кенгайтириш, филиаллар ҳам очиш ниятимиз бор. Энг асосийси, жаҳон бозоридан ўрин олишдир.

*Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА.*



*«Мақсад» қурилиш бошқармаси бунёдкорлари Оила йилида жуда кўплаб уй-жойга муҳтож хонадонларни ўзлари қураётган кўп қаватли замонавий уйлари билан мамнун этиш ниятида меҳнат қилишмоқда. Шаҳримизнинг Миробод туманида жадал суръатларда бунёд этилаётган уйлар қурилишида бошқарма бунёдкорларининг муносиб улушлари бор.*

*СУРАТДА: қурилиш бошқармаси бунёдкорларидан (чапдан) ишбоши Баҳодир Мусурмонқулов, уста Ғофур Алимуродов, қурувчи Рустам Ортиқовлар бугунги иш режасини тузишмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Янгиликдан хабарингиз борми?*

# «ШАРҚ»ДА ИНСТИТУТ ФИЛИАЛИ

«Кадрларни тайёрлаш бўйича миллий дастур»га асосан ҳамда ўқув жараёнларини бевосита ишлаб чиқариш тажрибалари билан боғлаш ва юқори даражадаги малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ҳузурида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти филиали ташкил этилди. Концерн ҳамда институт раҳбарлари «Шарқ» негизида «Матбаа ва босма маҳсулотлар дизайни» кафедраси филиалини ташкил этиш ҳақидаги иккиёқлама тузилган шартномани имзоладилар. Шу муносабат билан концерн клубида йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Шарқ» бош директори Ислом Шоғуломов концернннинг бугунги иқтисодий аҳволига қисқача тўхталиб шундай деди:

— Концернимиз учун ўтган 1997 йил иқтисодий юксалиш йили бўлди. 1996 йилда 400 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1997 йилга келиб бу кўрсаткич икки баробарга ўсиб, 800 миллион сўмни ташкил этди. 1998 йилда эса биз 1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз. Бундай иқтисодий кўрсаткичларимиз нафақат республикамиз, балки собиқ Иттифоқ республикаларининг турдош корхоналари ўртасида ҳам энг юқоридир. Ишчи ва хизматчиларимиз учун бизда учта ошхона, учта буфет, тиббий пункт, дам олиш зона ва сиҳатгоҳимиз, болалар боғчаси ва лагеримиз хизмат кўрсатиб турибди. Яқинда улар учун яна иккита кўп хонали уйлар қуриб битказилди.

Сўзга чиққан институт ректори, профессор Ҳ.Алимова ўзбек матбаачилик соҳасини ривожлантиришда «Шарқ»нинг роли катта эканлигини таъкидлади.

— Бугунги кунга келиб, — деди у, — яна «Шарқ»да матбаа кафедраси филиали яратилмоқда.

Нотиқ Ислом Шоғуломовнинг ана шу хизматларини ҳисобга олиб, институт раҳбарияти кенгаши уни институт фахрий профессори этиб сайлаганлигини эълон қилди.

Шундан сўнг йиғилганлар институт кафедраси учун ажратилган бинонинг хоналарини бориб кўрдилар.

*Нарзулла ҲАМРОЕВ.*



*«Сергелимебель» ҳиссадорлик жамияти мебелсозлари ўзларининг рақобатбардош маҳсулотлари билан нафақат республикамиз, балки хорижий давлатлар харидорларини ҳам жалб этмоқда. Маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати ортиб бораётганлиги бунинг асосий сабабларидан биридир.*

*СУРАТДА: корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар.*

# ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН УЙ — СИЗНИНГ МУЛКИНГИЗ!

***Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ, кўчмас мулк эгаси бўлган ҳар бир фуқаро уни тасарруф этишга юридик жиҳатдан ҳақлидир. Бироқ сўнгги пайтда хусусийлаштирилган квартираларни сотиш тартиби ўзгаргани ҳақида миш-мишлар тарқала бошлади. Улар асослими, бу миш-мишлар замирида нима ётибди? Тошкент шаҳри ҳокимининг ўринбосари, шаҳар давлат мулк бошқармаси бошлиғи Равшан ПЎЛАТОВдан ушбу саволларга жавоб беришни илтимос қилдик.***



— Фуқаро ўзига тегишли квартирани, уйни (уйнинг бир қисмини) сотишга, совға қилишга, алмаштиришга ҳақлидир.

Хусусийлаштирилган уй-жойларни сотиш ва сотиб олишни расмийлаштиришнинг амалдаги тартибига ҳеч қандай ўзгартириш киритилгани йўқ.

Мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш ва ўзига қарашли хусусийлаштирилган уйларни сотмоқчи бўлаётган фуқароларга ёрдам бериш учун фаолиятнинг янги тури — кўчмас мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширишга лицензия бериш тизимини жорий этиш, шунингдек, Тошкент шаҳар уй-жой биржасини ташкил қилиш юзасидан тайёргарлик ишлари кетмоқда. Уй-жой биржасининг малакали ходимлари бўлажак харидорни топишда, олди-сотдини нотариал расмийлаштиришда, шартномани ишлаб чиқариш — уй-жой инспекциясида рўйхатдан ўтказишда ёрдам кўрсатади, юридик консультация беради.

Уй-жой сотиб олмоқчи бўлаётган кишиларга ҳам биржа ана шундай ёрдам беради.

Эслатиб ўтмоқчиман, пойтахтда кўчмас мулк биржаси ишлаб турибди, унга мурожаат қилиб, хусусийлаштирилган уй-жойни «Кимошди» савдосида сотиш мумкин.

**— Хусусийлаштирилган уйни «Кимошди» савдоси орқали қандай сотиш мумкин?**

— Уй эгаси биржага ариза топширади. Биржа ходимлари квартира сотувчисининг мулкий ҳуқуқларини ҳар томонлама текширади: квартира гаровга қўйилганми, сотувчи кўрсатаётган ҳужжатлар унинг ҳуқуқи тўла эканини тасдиқлайдими — шуларни текшириб, бўлажак мулк эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Газеталарда, радио ва телевидениеда реклама қилинади. Агар таклиф этилаётган квартира бўлажак харидорларда қизиқиш уйғотса ва уни сотиб олишни хоҳловчилар топилса, шундан сўнг «Кимошди» савдоси ўтказилади. Сотувчи бу савдода иштирок этиши, савдо қандай бораётганини кўриши ва унда ким ғолиб чиққанини билиши мумкин.

Сотилган уйнинг пули «Кимошди» савдосини ташкил этиш ва ўтказишга воситачи йиғими чиқариб ташланиб, уй эгасининг халқ банки бўлимидаги шахсий ҳисобига ўтказилади. Шундан сўнг хусусийлаштирилган уйнинг сотилгани нотариатда тасдиқланади, ҳужжатни тасдиқлаш чоғида уй сотилган нархининг ўн беш фоизи миқдорида давлат пошлинаси тўланади.

**— Хусусийлаштирилган уйларни сотишнинг яна қандай йўллари мавжуд?**

— Хусусийлаштирилган уй-жой эгаларининг кўпчилиги сотиш, ҳадя қилиш, алмаштириш битимларини бевосита расмийлаштириш усулини афзал кўришади. Бундай ҳолларда мазкур битимлар бўйича шартномаларни нотариатда тасдиқлаш чоғида давлат пошлиналарининг аниқ ставкалари кўзда тутилган. Бу қариндошлар учун шартномада кўзда тутилган пулнинг бир фоизини ташкил этади. Агар харидор бошқа жисмоний ёки юридик шахс бўлса, шартномадаги пулнинг йигирма фоизини тўлайди. Уй-жой «Кимошди» савдосида сотилган тақдирда давлатга тўланадиган пул беш фоиз кам бўлади.

*ЎзА мухбири*
*О. ЗАДУНАЙСКАЯ*
*суҳбатлашди.*

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИНИНГ БОШЛИҒИ
**НИЗОМИДДИН ЗОКИРОВ**
ТАҲРИРИ ОСТИДА

**САВОЛ: Автотранспорт воситаларини бошқалар ихтиёрига ўтказиш тартиби қандай амалга оширилади?**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 16 сентябрдаги Қарорига кўра Давлат нотариал идораларига автотранспорт воситаларини сотиш, алмаштириш ва совға қилиш олди-сотдиларни тасдиқлаш вазифаси юклатилган. Бундай битимларни тасдиқлаш учун нотариусга қуйидаги ҳужжатлар топшириш талаб этилади: жисмоний шахслар учун: 1) ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжат (техник паспорт, техник талон, транспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ва бошқалар); 2) паспорт ёки фуқаронинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат; 3) давлат божини тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжат; 4) эр ёки хотиннинг автотранспорт воситасини бошқалар номига ўтказишга розилиги тўғрисида ариза ёхуд эр ёки хотиннинг йўқлиги тўғрисида ариза. Юридик шахслар учун: 1) ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжат (техпаспорт, техталон, автоуловнинг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва ҳоказо; 2) давлат корхонаси тўғрисидаги Низом ёки қонун-қоидалар (танишиб чиқиш учун); автоуловнинг бошқалар ихтиёрига ўтказилаётгани тўғрисида буйруқлар; 3) вакилларга берилган ўзгалар ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги шартномага қўл қўйиш ҳуқуқини берадиган ишончномалар (уларнинг шахси йўриқномада белгиланган тартибга кўра қайд этилади); 4) давлат божининг тўланганлиги тўғрисидаги тўлов топшириғи.

Давлат автомототранспорт воситаларининг нодавлат юридик ва жисмоний шахслар билан олди-сотди операцияларини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 25 августдаги Қарорига биноан Республика Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари орқали амалга оширилиши белгиланган.

**САВОЛ: Менга отам ўз номларида бўлган шахсий автомашиналарини ҳадя этиб бермоқчилар, қаерга мурожаат этиб ҳадя шартномасини расмийлаштириб олсам бўлади?**

ЖАВОБ: Ўзингизга қулай ёки яшаш жойингизга яқин бўлган давлат нотариал идорасига мурожаат этиб отангизга тегишли автомашинани тасдиқлатиб олишингиз мумкин. Бунинг учун сиз нотариал идора нотариусига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишингиз керак бўлади: автомашинанинг техник паспорти, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспортлар), ўзингизнинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномангиз, отангизнинг яшаш жойларидаги туман солиқ инспекциясидан транспорт солиғи бўйича қарзи йўқлиги ҳақида маълумотнома.

Машина ота-онангизнинг биргаликдаги турмуш даврида сотиб олинган бўлса онангизнинг розиликлари ҳам талаб этилади.

**САВОЛ: Фуқаролар ўзларига тегишли бўлган мол-мулкларини кимларга васият қилиб қолдиришлари мумкин?**

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддаси асосан, фуқаро ўзининг барча мол-мулкини ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Телефон: 133-99-42.

***Оила — Шарқда, хусусан Ўзбекистонда ниҳоятда муқаддас ҳисоблангани учун ҳам Президентимизнинг 1998 йилни Оила йили, деб эълон қилганликлари юрак-юракларимизнинг тубидаги эзгу ҳис-туйғуларимизни жўшдириб юборди.***

1998 — Оила йили

## ТАБИАТНИ СЕВИШ — ВАТАННИ СЕВИШДИР

Оила — барча қутлуғ фазилатларнинг бешигидир. Табиат, атроф-муҳитга бўлган муҳаббат ҳам дастлаб оилада куртаклайди.

Болани ҳайратга солувчи дунё у йўлга кириши, она ерга оёқ қўйиши билан кўз ўнгида намоён бўла бошлайди. Шамол ҳам, сув ҳам, ўсимлик, ниҳоллар ҳам, жониворлар ҳам унинг ҳайратига мезон бўлади. Ота-онанинг, катталарнинг вазифаси эса боладаги ана шу ҳайратни муҳаббатга айлантиришдадир.

Шаҳримиздаги бир оилани биламан. Серфарзанд, ўзидан тинган, бахтиёр оила. Қачон бирон йиғинда, тўй-маъракада шу хонадонга ташриф буюрсак, у ердаги гулларни, ҳовлидаги мевали дарахтларни, сўридаги токларни, шода-шода узумларни кўриб завқланаман. Энг қизиғи барчасини хонадон соҳибининг бола-чақалари, невaралари парвариш қилади. Тагини юмшатишади, суғоришади, парвона бўлишади. Бир гал қип-қизил нақш олмаларга ҳавасим келди, қўл чўздим. Қўлим етмади. Шохни силкитмоқчи эдим, ўн-ўн бир ёшлардаги болакайнинг овози тўхтатди:

— Амаки, силкитманг, шохи нозик, синиб кетиши мумкин.

— Унда олмани қандай қилиб оласизлар?

— Пишиб, ўзи тўкилади.

— Тартиб шунақа, — кулди хонадон соҳиби, ҳар битта болани табиатга ошно қилиб ўстирганман. Болаларим орасида профессори ҳам бор, деҳқони ҳам. Лекин ҳаммаси атроф-муҳитга бефарқ эмас. Ҳаммасининг хонадони ҳам яшнаб турибди. Кўп қаватли уйлардаги невараларимнинг хонадонларини худди гулзор дейсиз...

«Бола бошидан» деган нақл бор. Тарбияда табиатни севиш ҳам муҳим ўрин тутса, айни муддао бўлади.

Биронта хонадонга кирсангиз унинг соҳиблари, соҳибалари қандайлиги остонасидан маълум бўлади. Халқимизда «Ҳақрағангни тоза тут» деган нақл бор. Ҳақрағa — бу йўл ҳақи дегани. То катта кўчага чиққунча бўлган жой хонадоннинг ҳақрағаси ҳисобланади. Шу ерлар супуриб-сидирилган, сувлар сепилган бўлса, келувчининг таъби равшан тортади.

Ҳовлига кирган киши ҳеч қачон уйнинг ҳашамдорлигига эмас, ҳовли рўясининг (яъни юзининг) орасталигига эътибор беради. Ивирсиб ётган ҳовли қаёқдаю гулу райҳонларидан ифор анқиб, ёғ тушса ялагудек бўлиб турган ҳовли қаёқда. «Уй-жойини тоза тутади» деган гапни уйларни оқлаб-кўклаш деб эмас, табиатга, она еримизга бўлган муҳаббат, табиат муҳофазасига қўшилган ҳисса деб тушунмоқ керак.

Оилада болалар табиатга ошно бўлиб ўсишида ота-онанинг ибрати, айниқса, катта бўлади. Бир парчагина ҳовлисида боғчаю гулзор яратиб, болалар кўнглига бир олам муҳаббат уруғини солаётган оилалар жуда кўп. Қушларни, уй ҳайвонларини авайлаб парваришлаётган ҳамшаҳарларимизга раҳмат айтгимиз келади. Буни қарангки, табиатни севган, уни кўз қорачиғидек эҳтиёт қилган оилаларни жониворлар ҳам, паррандаю даррандалар ҳам билар, шу томонга интилар эканлар.

Табиатни севиш — бу Ватанни севишдир. «Қўли чолғу асбоби торларини чертиб, куй чалган одам жиноятга қўл урмайди» деган ҳикматли гаплар бор. Худди шундай, ўз хонадонида оддий майсадан тортиб то мевагача ардоқлаб парвариш этган инсон ҳеч қачон бир дона гулни беҳожат узмайди, топтамайди.

Оиладан бошланади Ватан. У борган сари кенгаяверади. Ана шу буюк ҳудуд — Ватан ҳамиша инсон муҳаббатига муҳтож. Муҳаббат билан шу юрт тобора обод бўляпти, яшнаяпти.

Оиладан бошлайлик табиат муҳофазасини. Болалар қалбига табиат, Ватан севгисини сингдирайлик. Чунки боладикдан олинган билим, берилган тарбия тошга ўйилган нақшдир.

***Оила — олам боши, ота-она қуёши,***
***Оила — Ватан асли унда кўп хислат жамдир.***
***Инсон — ҳаёт посбони, инсон — ҳаёт гултожи,***
***Кўнгли пок кишиларни ҳар қанча эъзоз камдир.***
***Инсон эсанг унутма: юртинг қўйнини боғ эт,***
***Кўкартир унда ниҳол, зинҳор этмагил барбод.***
***Бугун сен бирни бериб, табиат кўнглин тоғ эт,***
***Эртага мингни бериб, у сени этажак шод!***

Табиат бизга мингни бераркан, унга биз ҳам берайлик. У бизнинг муҳаббатимизни, фидойилигимизни сўраяпти!

Муҳаббат илдизлари эса оилададир.

*Темур УБАЙДУЛЛО.*



Оппоқ қор — қишнинг зийнати. Шаҳримиз қор қўйнида яна ҳам гўзал кўринади.

# ТАБИАТ ВА ИНСОН



***№ 1 (73) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси***

Жонкуярлар

## ТЕЖАЛГАНИ — НАҚД БОЙЛИК

«Рангли металл: Ю. Г. Н» масъулияти чекланган жамият дарвозасидан ҳатладик-ку, ҳайрон қолдик. Тоғдек-тоғдек чиқиндиларни кўриб ажабландик.

— Булар чиқинди эмас, — изоҳ берди бош муҳандис Бронислав Югай, — булар бизнинг хом ашё.

— Шунақа кўп бўладими?

— Бутун шаҳардаги заводлардан, корхоналардан шу ерга келтириладида.

Хом ашёнинг таркиби билан қизиқдик: ишлатилган аккумуляторлар, баклар, турли металл симлар, қўйинг-чи, рангли металлнинг барча чиқитлари бор эди.

— Ахир табиат муҳофазаси нима бўлади? — деб сўрадик бош муҳандисдан.

— Аслида шу ишлар, яъни барча чиқитларни бир ерга тўплаш табиат муҳофазаси эмасми? — гапга аралашди жамият директори ўринбосари Файзулла Ибодов, — корхоналар ҳовлисида сочилиб ётиши яхшими, бизда тўпланиб, ажратилиб яна хом ашё сифатида ишлаб чиқаришга жўнатилгани яхши эмасми?

— Ахлатлар ҳам чиқадими?

— Чиқади. Уларни бир дақиқа ҳам бу ерда ушлаб турмаймиз. Дарҳол шаҳар чиқиндихонасига элтамиз. Корхона ҳудуди билан танишар эканмиз, бош муҳандис изоҳ бериб борди:

— Дов-дарахтлар камлигига сабаб, ҳудудимизнинг деярли ҳаммаси асфальтланган. Лекин ўзимизнинг боғчамиз бор. Идора олдилари ҳар йили кўкаламзорлаштирилади. Ҳудудимиз озода бўлиши учун асфальтланганди.

— Келаётган металл чиқиндилари ичида радиактив моддалар бўлса-чи? Ахир улар кони зарар-ку!

— Кираверишдаги катта тарозини кўргандирсиз!? Унинг устида турган қурилма радиоактивлик бор-йўқлигини текширади. Мабодо шундай ҳол юз берса, металл чиқиндиларни қабул қилмаймиз, қайтариб юборамиз.

— Бу ерда цехлар ҳам борми?

— Бор. Қайта ишлаш цехи ҳамда халқ хўжалик маҳсулотлари цехи фаолият кўрсатяпти. Кейинги цехда асосан алъюмин қошиқлар ясалади.

— Булардан ташқари ҳам қора металлар кўп экан-ку!

— Уларни эҳтиётлаб, қора металлар билан ишлайдиган корхоналарга жўнатамиз. Хуллас, корхонамизни ўзига хос тайёрлов базаси десак бўлади.

— Барча ишлар тўлиқ механизациялашганми?

— Йўқ десак, ажабланманг. Саралаш ишлари асосан қўлда бажарилади. Мис, қўрғошин, алъюмин, лагун, бронза сингари металларни ажратиб оламиз. Уларни тўплаб алоҳида-алоҳида пресслаймиз. Харидорларга жўнатамиз. Яроқсизлари чиқинди ҳисобланади.

— Корхонада сув ишлатилса керак?

— Ишлатилади.

— Оқава сувлар қаёққа кетади? Ахир ҳаммаёқ асфальт бўлса...

— Ўтган йили икки ой мобайнида 180 метрли канализация тармоғи қурилишини тугатганмиз, — суҳбатга аралашди Файзулла Ибодов, — «Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамиятининг канализация тармоғига улаганмиз. Бу йилги режамизда ёмғир, қор сувларини бартараф этиш режасини туздик. Насиб этса тугаллаймиз. Кейин ҳудудимизнинг қолган бир қисмини ҳам асфальтлаймиз. Машиналар, ортиш, тушириш учун ишлатиладиган техниканинг барчаси янги, созланган.

— Энди бир савол: корхона шаҳарнинг ўртасида экан. Уни янги жойга кўчиришнинг иложи йўқми?

— Сергели саноат зонасидан жой ажратилган. Бир-икки йил ичида янги ҳудудга кўчиш режамизда бор.

«Рангли металл» корхонасида табиат муҳофазаси йўлида қилинадиган ишлар режасида баҳорда имкон қадар кўкаламзорлаштиришга эътибор берилиши бизни хурсанд қилди.

Ахир бу чиқитлар эртага қайта ишланиб, металл ҳолда саноатда фойдаланилади. Шу ҳисобга юртимизнинг маъданлари тежалади, келгуси авлодга асраб қолдирилади.

*Алишер МУКСИНОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.*
*Толиб САЪДУЛЛАЕВ.*

Қатралар

## СОҒИНЧ

Бўралаб қор ёғди. Кечагина қуёш чарақлаб турган осмон элак, қуп-қуруқ ер эса улкан оқ дастурхонга айланди. Қуёшнинг илиққина нурларидан танаси яйраб турган ниҳол бирдан жунжикиб кетди.

— Баҳор яқинми? — сўради овози қалтираб.

Гувиллаб эсиб ўтган шамол чийиллади:

— Жим-эй, тентак, ҳозир қишнинг қирчиллама чилласи. Бир пуфлайман, қотиб қоласан...

Ниҳолнинг нафаси ичига тушиб кетди. Қуёш қаёққа кетди? Атрофида ўйнаётган болалар қаёққа кетди? Шохчаларига қўнган қушчалар-чи?

— Баҳор яқинми? — сўради у деярли шивирлаб.

— Яқин, яқин, — деди уни худди кўрпа каби ўраётган оппоқ қор, — мен баҳорни олиб келганман. У бағримда. Сен тинчгина ором олавер...

Қор бўралаб ёғарди. Ниҳол эса тушлар кўриб ухларди... Дарҳақиқат, шу қорлар баҳорнинг келишига поёндоздек эди...

## ТОМИР

Кечаси қаттиқ совуқ бўлди. Шамол шунақанги увилладики, ҳатто ариқчанинг бети ҳам музлаб қолди. Шамолнинг азалдан сувларни жини ёқтирмасди: оққани оққан.

— Бопладимми? — ғурурланди Шамол, — ҳали сен ариқча экансану, дарёларни ҳам музлатиб ташлайман. — Шу пайт қулоғига қиқирлаган овоз эшитилди.

— Ким у? — дарғазаб бўлди Шамол, — ким у менинг қаҳримдан қўрқмайдиган?

— Мен, — хушҳол овоз эшитилди музлар тагидан. Шамол бир лаҳза тўхтаб қолди.

— Сен... Сен... музлаб қолмадингми ҳали?

— Йўқ, — деди сув, — ариқни музлатиб яхши қилдинг. Мен пастдаман, ўз йўлимга оқиб кетяпман.

— Қачон музлайсан? Йил бўйи оқасан? Сенга фаслнинг ҳам фарқи йўқ...

— Мен Она Ернинг жон томириман, — деди сув. — Ахир томир қачон музлаган, мен музласам!

Шамол бўшашиб кетди.

## ҚОРБОБО

Бола роса хархаша қилди:

— Қорбобо ясаб берасиз!

Бола пошшоку. Онаси ҳамма ишини ташлаб қор юмалоқлаб, Қорбобо тиклади. Эски челакдан қалпоқ, кўмирдан қош-кўз, сабзидан бурун ясади. Ўзининг қилган ишидан ўзи мамнун бўлди. Қизалоқлигида у ҳам онасини худди шундай роса хуноб қилганди.

Бола Қорбобони айланиб кўрди. Кўнгли тўлди шекилли, жилмайди. Атрофида ўйнаб ўзича чуғурлаб кунни кеч қилди.

Эртасига қор ёғди. Бола ҳовлига чиқолмай қолди. Деразадан Қорбобони томоша қилиб ўтирди.

Бир куни қараса Қорбобоси йўқ бўлиб қолибди. Ўрнида бир дона сабзи ётибди. Бола онасининг олдига югурди.

— Қорбобо қани?

Қорбобо куннинг илиғида аллақачон эриб кетган, уни бола билмасди. Онаси нима десин.

— Сен ухлаб ётувдинг Қорбобо сенга гул олиб келаман деб кетди. Қараб тургин, вой-бўй, шунақанги кўп гул олиб келадики.

Бола кўчага чиқиб кетди. Қорбобони кутди. Уйга кирди, Қорбобони кутди. На гулдан, на Қорбободан дарак бўлди. Роса ғингшиб, охири ухлади. Тушида оппоқ соқолли одам бир сават гул олиб келаётганини кўрди.

— Қорбобо, гул — деди уйқу аралаш бола.

Бола бутун оламни гулга тўлдириш учун кун санаб Гулбаҳор келаётганини билмасди. Бир вақти келиб билиб олади. У ҳам Қорбобо ясайди. Унинг Қорбобоси гулга кетади. Олам ахир шундай яралган.

*Ғолиб МИРЗО.*

Ибрат олса арзийди

## ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА!

● «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида Салор каналига оқаваси тушадиган (йилига 82,8 минг кубометр) манба бартараф этилди.

● Биноларни ёқилғи билан таъминлаш идорасидаги кран-бакларни ишлаши йўлга қўйилди, омбордаги ёғ сақловчи катта ҳажмдаги идишлар таъмирланди.

● «Рангли металл» масъулияти чекланган жамиятда 180 метрлик канализация тармоғи ишга туширилди.

● Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат ҳиссадорлик жамиятида 371-цехнинг оқавалари янги тозалаш иншоотига уланди.

● 776-қурилиш заводида оқава сувларни «Ўзбекқоғоз» ҳиссадорлик жамиятининг канализация тармоғига улаш учун ишлар бошланди.

● «Ўзэлектрокабелсавдо» бирлашмаси ҳудудида артезиан қудуғи кавланди, ундан фойдаланиш учун махсус рухсатномалар тузилди.

● Ҳамза кўчасидан бошланиб Фарғона йўлигача давом этадиган 500 метр узунликдаги Салор канали устидан ўтадиган улкан қувур-кўприк қурилиши якунланди. Бу ишни «Ўзсувлойиҳа» институти лойиҳаси бўйича «Тошкентсувқурилиш» трести 4-қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари бажардилар.

Туманларда

## БОШ МАҚСАД

***Энг яхши нотиқ — бу рақамлардир. Ҳамза тумани бўйича ўтган 1997 йилда ташкилот, муассаса, корхоналарда 120 марта текширувлар ўтказилди.***

404 марта йўриқномалар ёзилди. 10 йирик корхонанинг 11 мансабдор кишиларига умумий 20550 сўм жарима солинди. Табиат муҳофазаси қоидаларини бузгани учун 61 фуқаронинг 22 минг сўм тўлашига тўғри келди. «Элма» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Лок-Колор-синтез» қўшма корхонаси, 6-Темир-бетон буюмлари заводининг цехлари, участкалари фаолияти маълум муддатга тўхталиб қўйилди.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш органлари ходимлари билан ҳам талайгина рейдлар ўтказилди, айбдорлар маъмурий жазога тортилдилар. Транспорт прокуратураси билан «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг бир қатор депо ва объектлари кўздан кечирилди. Шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда Тошкент авиация бирлашмасининг бир нечта цехлари, «Ортопедия» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти, «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳаво, сув, ер муҳофазаси борасидаги қоидабузарликлар аниқланди, тегишли чоралар кўрилди, тадбирлар белгиланди. «Рангли металл» масъулияти чекланган жамият, «Таима-конорос» қўшма корхонаси, «Кийим» ҳиссадорлик жамияти сингари ўндан ортиқ шахсий, қўшма корхоналарнинг қурилажак бинолари лойиҳаси экологик экспертизадан ўтказиш учун жўнатилди.

Қилинган ишлар, ютуқлар ўзимизники. Қилинадиган ишлар эса жуда кўп. Энг биринчи иш бу аҳолининг экологик билимини оширишдир. Шу мақсадда тумандаги қатор мактабларда, маҳалла қўмиталарида экологик суҳбатлар ўтказиш, унга мутахассисларни жалб этиш ниятимиз бор. Табиат муҳофазаси самарадорлигига эришиш — бош мақсадимиздир.

*Раъно НЕЪМАТУЛЛАЕВА,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назоратчиси.*

Текширув

## ҚОИДАБУЗАРЛАРНИ ТАНИШТИРАМИЗ



***Ўтган ойда қўмитамиз назоратчилари одат бўйича хизмат вазифаларини адо этиб, 28 манбани атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва 28 манбани сувларнинг тозалигини сақлаш нуқтаи назаридан текширувдан ўтказдилар. Текширув давомида яна бир қанча қоидабузарликларга дуч келдик. Албатта ҳаво ва сув тозалигини ўлчовчи қурилма, ускуналарнинг етарли даражада яхши ишламаётганига жавобгар шахсларга одатдагидек жарималар солинди.***

● 243-фуқаро авиацияси заводи учинчи цехи бошлиғи (исмини айтишмади) ҳамда вентиляция участкасининг бошлиғи В. Паволяевлар чанг-газ тозаловчи қурилмаларнинг ишлатиш қоидаларига риоя қилмаганлари учун 2250 сўм;

● 1-Тошкент тажриба синов механика заводининг директори Ш. Обидов сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатнома муддатини узайтиришга бефарқ қарагани учун 2250 сўм;

● Худди шундай иш учун 243-фуқаро авиацияси заводи бош механиги А. Зоидов, «Тошкент» халқаро аэропорти техник хизмат кўрсатиш станцияси бошлиғи В. Сколатлар ҳар бири 750 сўмдан;

● «Ўзкабель» давлат ҳиссадорлик жамияти бошлиғи С. Смолюк, «Тошшахтрансэкспедиция» агентлиги Юнусобод тумани бўлими бошлиғи Д. Абдуқодировлар ҳам ёғлаш-мойлаш материалларини сақлаш майдончаларида нефть маҳсулотларининг сочилиб ётишига йўл қўйгани учун 750 сўмдан;

● «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳавога зарарли ва заҳарли моддалар чиқарилишига йўл қўйилгани, устига-устак рухсат олинмагани учун бош муҳандис З. Зайнутдинов 2250 сўм жарима тўлайдиган бўлишди.

● 243-фуқаро авиацияси заводи цех бошлиқлари В. Карпов, В. Брагин, А. Ярош; «Тошкент» аэропорти моддий-техника базаси бошлиғи А. Мирсоатовлар заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш қоидаларини бузгани, саноат чиқиндиларини бартараф этмагани учун қаттиқ маъмурий жазога тортилдилар.

● Жарима тўловчилар рўйхатида талай корхоналар бор. Улар бундай жазога шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг қарорларини бажармагани, атроф-муҳит муҳофазасига ғоят совуққон муносабатда бўлганлиги сабаб лойиқ деб топилдилар.

Ўтган ойда назоратчиларимиз туманларда бўлиб кўчалар, йўллар, каналлар қирғоқларининг тозалигини ҳам кўздан кечирдилар. Айтиш мумкинки, манзара ҳеч кимнинг дилини хушнуд этмайди. Барча туманларда қурилиш, маиший чиқиндилар уюмлари бизни «қарши олди». Айниқса, Усмон Юсупов кўчасидаги канал қирғоғида, генерал Узоқов, Самарқанд дарвоза, Есенин, Самад Вурғун, Ботуми, Улуғбек кўчаларида, Раҳмат Файзий кўчасида, Бўзсув канали соҳилида қад ростлаб турган чиқинди тоғларини кўриб, ранжимай бўладими? Шайхонтоҳур тумани ободонлаштириш бошқармаси ходимлари, «Махсустранс»нинг 5-автосаройи мутасаддилари наҳотки уларни кўришмаган бўлишса?! Ободончилик бошқармаси бошлиғи Р. Нуруллаевга жарима солинди. Лекин жарима келиб чиқадиган юқумли касалликларнинг йўлини тўса олмайди-ку!

*Умид ИСРОИЛОВ,*
*Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси.*

Ривоятлар

## КЕЛИШИБ ҚОЛИШДИ

Бир табиб бир-бирига тўғри келмайдиган икки хил таомни еб ўтирган одамни кўриб унга шундай дебди:

— Ҳой биродар, бу нима қилганинг, ахир бу таомлар бир-бири билан келишмайди-ку...

Эртасига ҳалиги таом истеъмол қилган одам касал бўлиб табибнинг олдига нажот истаб борибди. Шунда табиб:

— Ахир кеча айтмовдимми, бу овқатлар бир-бири билан келишолмайди деб, — деди.

Бемор эса:

— Аксинча, тақсир. Иккаласи бир-бири билан шу даражада келишиб қолдики, энди мени ўртадан кўтариб ташлашмоқчи, — дебди хаста овозда.

## «ФАРОСАТИНГГА ТАСАННО»

Шариат пешволаридан бирининг жуда маҳмадона хотини бор экан. Бир куни ўша одам хотинининг нарвонга чиқаётганини кўриб қолибди ва у нарвоннинг ўртасига борганида:

— Ҳой хотин, шуни билиб қўй, турган жойингдан юқорига чиқсанг ҳам, пастга тушсанг ҳам, шу жойингда турсанг ҳам, барибир сени уч талоқ қиламан! — дебди.

Хотини бир лаҳза ҳам ўйланиб ўтирмай ўзини нарвондан ташлабди.

— Фаҳму фаросатингга тасанно, хотинжон, — дебди эри. — Мен ривоят тополмаган шариат масалаларига сен ривоят топишга қодирсан!

## КЎЗИНГ ТУШМАГАНИ ШИРИН

Бир куни Эрон подшоҳи Хусрав ошпаз ғуломнинг нон ёпаётганига кўзи тушиб, разм солиб қараса, тандир олдида терга тушган ғулом хамирдан озгина узиб олиб терини артибди ва ўша хамирни қўшиб нон ясайверибди. Хусрав индамай ортига қайтибди ва эртасига ошпаз ғуломни чақирибди:

— Қани сен менга айтчи, таомлардан қайси бири лаззатлироқ? — деб сўрабди.

Ғулом ҳам анча зийрак экан, косанинг остида нимкоса борлигини фаҳмлабди ва шундай жавоб айлабди:

— Дастурхонга келтириб қўйилган таомнинг қанақа тайёрланганига кўзингиз тушмагани, олампаноҳ.

## ИЛТИМОС

Араблар орасида хасислиги турли тилларда достон бўлган Шаммома исмли бир кишининг олдига бир камбағал илтимос билан келибди. Шунда Шаммома:

— Аввал сен менинг бир илтимосимни бажар, ундан сўнггина мен нимаики истасанг, бажонидил ижро этишга тайёрман, — дебди.

— Марҳамат, қанақа илтимос? — сўрабди камбағал.

— Илтимосим шуки, мендан бирор нарса тилама.

*(«Ривоятлар ва ҳикоятлар» китобидан).*

Саломатлик

## МЕНИНГИТ — ЮҚУМЛИ

***Менингит деганда аксарият одамлар фақат бош оғриғини тушунишади. Аслида у юқумли бўлиб, дард менингококк инфекцияси тарқалишидан юзага келади.***

Менингококк инфекциясининг ҳар хил тури билан оғриган беморлар ва менингококкни ташувчи соғлом кишилар хасталик манбаи ҳисобланади. Айниқса, касалликнинг назофарангит (бурун, ҳалқум, яллиғланиш тури билан оғриганлар) хавфли бўлади. Инфекция ҳаво-томчи йўли билан юқади. Бемор аксирганда, йўталганда, гапирганда вирус соғлом одамларга ўтади. Менингококк касаллиги ҳамма ёшдаги одамларда, аксарият ҳолларда ёш болалар орасида кўпроқ учрайди. Шуни айтиш керакки, бу дард даврийлик ва мавсумийлик билан ажралиб туради. Хасталикнинг даврийлиги ҳар 20—30 йилда кузатилади. Менингококк инфекцияси қиш ва баҳор ойларида кўпроқ учрайди.

Менингококк инфекцияси беморларда икки турда кузатилади: биринчи, маҳаллий турда бўлиб, ўткир назофарангит (бурун, ҳалқумнинг яллиғланиши) ва менингококк микробини ташувчи соғлом кишилар ҳолатида. Иккинчи, тарқоқ турда бўлиб, менингит (мия юмшоқ пардасининг яллиғланиши) ва менингококксемия (менингококкнинг қон орқали бутун танага тарқалиш) шаклида. Ўткир назофарингитда беморда бош оғриши пайдо бўлади, бош айланади, томоқ оғрийди, тана ҳарорати 38—38,5 даражага кўтарилади ва 3—5 кунгача тушмайди. Касаллик зўрайиб кетса менингит турига ўтиши мумкин.

Менингитда танада титроқ пайдо бўлади. Ҳарорат тезда 39—40 даражага кўтарилади. Бош қаттиқ оғрийди, айланади, бемор тез-тез қусади. Ёш болаларда талвасага тушиш кузатилиши мумкин. Ёруғлик ва товуш таъсирларига ўта сезгирлик, лабда учуқ пайдо бўлиши кузатилади. Касаллик бошланган куннинг охирига бориб мия пардаси яллиғланиши аломатлари, яъни энса мускулларининг таранглиги (бемор иягини кўкрак қафасига теккиза олмайди), Кернинг симптоми (оёқни тизза бўғимини ёзиб бўлмайди), Брудзинский симптоми (бошни эгиб кўкракка теккизмоқчи бўлганда оёқлари беихтиёр қоринга кўтарилади) пайдо бўлади. Бемор бошни орқага ташлаб қорнини тортиб ётади.

Менингококк инфекцияси тарқалишининг олдини олишда касалликни ўз вақтида аниқлаш ва беморларни алоҳидалаб қўйиш, тезда шифохонага ётқизиш, бемор билан мулоқотда бўлган одамларни шошилинч тарзда клиник ва бактериологик текширувдан ўтказиш лозим. Бемор ётган хоналарни тез-тез шамоллатиб туриш, полни ҳўл латта билан артиш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги вақтда менингококк касаллигига қарши махсус вакциналар ишлаб чиқарилган. Улар эпидемиологик вазиятга қараб, эмлаш усулида ишлатилади.

*Ҳусан ҲАЙДАРОВ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти болалик даври юқумли касалликлари кафедрасининг мудири.*

Биласизми?

## ДУНЁ КЎРДИМИ ФОЙДА?

Олим ва шоир Умар Ҳайём шундай ёзган:

***Мен келдим, дунё кўрдими фойда?***
***Кетсам мартабаси ошарми, қайда?!***
***Ҳеч кимса тушунтириб бера олмади —***
***Келиш-у-кетишим сабаби қайда?***

Ҳа, инсонларни азал ва абад ўйлантирувчи саволлар кўп. Лекин ҳозир эътиборингизни бошқа бир маълумотга тортмоқчимиз. Олимлар инсоннинг 75—80 йиллик ҳаёти давомида кечувчи баъзи ўртача табиий кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишибди. Бунга кўра, инсон танаси шунча вақт ичида 23 минг литр сўлак, 18 минг литр тер ажратади. 300 миллион марта киприк қоқилади, олинган тирноқларнинг жами узунлиги эса 4 метрга етиши мумкин экан; 22 тонна озиқ-овқат ейилади, шу билан бирга, сув, чой, кофе, шарбат, арoқ — хуллас, жами 33 минг литр суюқлик ичилади. Шунча маҳсулотлардан ажралувчи энергия қуввати билан эса майдони 100 квадрат метр бўлган уйни 10 йил давомида тўхтовсиз иситиш мумкин экан. Ўпка 720 миллион марта нафас олади, юрак уриш миқдори 3 миллиард марта экан. Бунда биргина юракнинг «фойдали иш кўрсаткичи» — бир неча юз тонна оғирликдаги юкни осмону фалакларга кўтариб чиқиш билан тенг бўлар экан!

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ тайёрлади.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## СЎЗ ЎРНИГА... ЧИРОҚ

Бразилияда кар ва соқовлар учун телефонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай телефонларни яратишда ихтирочилар Морзе алифбосидан фойдаланишди. Ҳар бир абонент учун ўрнатиладиган блок панелига турли рангдаги учта лампочка жойлаштирилган бўлиб, телефон орқали сўзлашаётган пайтда лампочкаларнинг бири суҳбат тамом бўлгунча ёниб туради. Қолган лампочкалар эса Морзе алифбосининг нуқта ва тиреларига мувофиқ равишда «милт-милт»лаб ёниб ўчиб туради.

Бу янги телефон аппаратига буюртмалар жуда кўп тушмоқда. Ҳатто уни яратишган ихтирочилар ҳам бундай натижани кутмаган эдилар.

## АЙТСАНГИЗ БАС...

Американинг «Белл» корпорацияси ўз харидорларига янги телефонларни тавсия этдилар. Корпорацияда яратилган телефонда рақам терилмайди, унга оғзаки буйруқ берсангиз бас... Агар сиз «полиция» ёки «тез ёрдам» сўзини овоз чиқариб айтсангиз, телефоннинг ўзи керакли рақамни бир зумда теради. Унинг хотирасига энг керакли 36 атама жойлаштирилган. Улар киши ҳаётида доимо керак бўладиган ташкилот ёки шахсларнинг номлари бўлиши мумкин, бу нарсани мижознинг ўзи танлайди.

Ажойиботлар

## ЧЎНТАККА СИҒАДИ

Венгрия почтаси чўнтакка сиғадиган митти телефон ишлаб чиқаришни режалаштирди. Катталиги оддий чақмоқтошдай бўлган ультрақисқа тўлқинли радиоприёмник марказий диспетчерлик пункти ёрдамида бу янги техника жорий қилинган хоҳлаган жой билан боғланиш имконини беради.

## БОЛАЛАРГА АТАБ

Америка дўконларида боғча ёшидаги болаларга атаб «Литл оперейтор» деб номланган телефонлар сотувга чиқарилди. «Плескул электроникс» фирмаси чиқарган бу телефонларга рақамли диск ўрнига турли рангдаги расмлар — полициячининг, олов, тез ёрдам машинаси ва бошқа суратлар чизилган йирик тугмалар ўрнатилган бўлиб,бола керакли тугмачани босса, ўша заҳоти расмдаги жой билан алоқа боғланади. Бу телефонлар фавқулодда ҳолларда болаларга жудаям асқотади.

## ТЕЛЕФОН-СУМКА

Турли хил сумкаларни кўтаришни яхши кўрмаган аёллар кам топилади. Шуни ҳисобга олган амстердамлик дизайнчилар аёллар учун совға ҳозирладилар. Улар тайёрлаган сумкалар энг сўнгги модада бўлиши билан бирга яна бир зарур ва қимматли жиҳати бор. Сумкаларига телефон ўрнатилган омади чопган сумка соҳиблари энди бемалол кўчада, ошхонада, ҳатто транспортда ҳам ўз дугоналари билан «сирлашиш» имкониятига эга бўлишди.

Ахир аёллар бир зум ҳам бекор туриб қолишмасинда!

*Дилноза ҒИЁС қизи тайёрлади.*



*Рашид Галиев олган сурат.*

*Полвон: — Энди қайси усулни қўлласам экан?*

Ҳукм

## «ОҚ АЖАЛ» ТАШУВЧИЛАР

***Сурхондарё вилоятида истиқомат қилувчи Ғафуржон Олимжонов ҳам кишига бир марта бериладиган умр лаззатидан баҳраманд бўлиб, ҳалол меҳнат билан болаларини ўстириш ўрнига шайтон васвасасига учиб, эгри йўллардан юришга одат чиқарди. 32 ёшида қилмишига яраша илк бор қамоқ жазосини ўташга маҳкум этилганида ҳам бундан тегишли хулоса чиқармади.***

Қамоқдан чиққанига бир йилга яқин вақт ўтди ҳамки, тайинли ишнинг бошини тутмади. Деҳқончилик, фермерлик билан шуғулланиб, бири икки бўлаётган, меҳнатига яраша тўкис, фаровон ҳаёт кечираётган тенгқурларини кўргач ғайирлиги қўзғарди. «Ишим ҳеч юришмади, юришмади-да, — ўйларди у, — ўзи аслини олганда ҳаётингни хавф-хатарга қўйиб таваккалига ҳаракат қилмасанг бойимас экансан. Бу борада энг яхшиси гиёванд моддаларни сотиш. Москвада унинг нархи баланд дейишади. Ишим ўнгидан келса, дангиллама участкаю қўша-қўша машиналар тагимда бўлади. Ҳа, таваккал қилиб бир омадимни синаб кўрмасам бўлмайди — ё остидан, ё устидан...»

Миясида режани яхшилаб пишитгач синглиси Ражабгулни чақирди.

— Сингилжоним, ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай Москвани бир айланиб келсак. Миямга ажойиб фикр келди. Уни амалга оширсак, қарабсанки, пичоғимиз мой устидада. Баҳонада сен ҳам рўзғорингни бутлаб оласан.

Хуллас, синглисини ҳам авраб, «хавфли юк» билан Москвага бирга боришга кўндирди.

«Мол»ни топиш унчалик қийин кечмади. Ғафуржон Ангор туман бозорида афғон миллатига мансуб нотаниш кимсадан талашиб-тортишиб салкам ярим килограмм нашани 10 минг сўмга сотиб олди. Энди уни яхшилаб яшириб, аввал Тошкентга, сўнг эса Москвага элтиш юмуши турарди. Ўйлаб-ўйлаб, у нашани аввал елим халтачага жойлаб, сўнг докага ўради-да кийимлари ичидан белига боғлаб олди. Синглиси билан тонгда Тошкентга етиб келишди. Шимолий шоҳбекатда 85-Тошкент — Москва поездига билет олишгач кўнгиллари бироз хотиржам тортди.

— Ражабгул, Қозоғистон ҳудудидаги божхона чегарасидан «дори»ни эсон-омон Тошкентга олиб келдик. Энди бу ёғига эҳтиёт чораларини кўрмасак бўлмайди, — деди Ғафуржон синглисига. — Поездда аёллардан унчалик шубҳа қилишмайди. Уни сенинг белингга боғласак-да Москвага йўл олсак. Нима дейсан?

— Маъқул, акажон. Ўзимнинг ҳам юрагим така-пука бўлиб турган эди. Шу йўл бехавотирроқ кўринади.

Шу тариқа нафс бандалари «операция»нинг иккинчи босқичига ўтишди. Ражабгул аёллар ҳожатхонасида гиёванд моддани белига боғлаб, яхшилаб яшириб чиқди. Улар ўз вагонларига чиқиб жойлашиб олишди ҳам. Кўринишидан бу икки оғуфурушнинг ишлари гўё хамирдан қил суғургандек кечаётгандай, муғамбирона тузган режалари юзага чиқаётгандай эди, бироқ...

Жиноятчилар шохида юришса, тартиб посбонлари баргида бўлишади, дея бежиз айтишмайди. Транспорт ички ишлар бошқармасининг жиноят-қидирув бўлими тезкор ходими Ниғматжон Аҳмедов бошчилигидаги тартиб посбонлари вагонга чиқишганда жиноятчиларнинг пайтаваларига қурт тушди.

Сезгир милиция ходимида Ражабгулнинг тўсатдан ранги гезариб, ҳаяжонга тушганлиги шубҳа уйғотди.

— Синглим, мабодо йўлда ноқонуний нарсаларни олиб кетмаяпсизми? — сўради Ниғматжон.

— Йўқ, йўқ, — дея тутилиб қолди Ражабгул.

— Ҳар ҳолда бўлимга бориб, сизни бир карра текширувдан ўтказмасак бўлмайди. Айбингиз бўлмаса бемалол сафарингизни давом эттираверасиз.

Ражабгул энди жонҳолатда ялинишга тушди:

— Очиқ гаплаша қолайлик. Ҳақиқатан ҳам Москвага гиёванд модда олиб кетаётгандик. 200 доллар берай-да, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин. Бу орада акаси ҳам келиб, икковлон ялинишга тушдилар.

Ака-сингилнинг «оқ ажал» ташувчилар эканлигига милиция ходимларида шак-шубҳа қолмагач, уларни гиёванд моддаларни сақлаш ва ташишда гумон билан Тошкент шоҳбекати тармоқ ички ишлар бошқармасига олиб келишди. Холис гувоҳлар иштирокида тинтув қилинганларида Ражабгулнинг белига ўраб қўйилган елим халтадан плитасимон тарздаги гиёванд модда, чўнтагидан эса 200 АҚШ доллари миқдоридаги пул чиқди.

Қилмиш-қидирмиш, деганларидай, ака-сингилга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши очилди. Суд кимёвий ва гиёвандлик экспертизаси хулосаларига кўра улар 481,5 грамм миқдорда наша гиёванд моддасини олиб кетаётганликлари маълум бўлди. Судланувчилар гиёванд моддасини Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан яширинча олиб чиқиб кетмоқчи бўлганларида тартиб посбонларининг ҳушёрлиги оқибатида ўз жиноий мақсадларини охирига етказа олмай қўлга олиндилар. Тергов давомида Ғ.Олимжоновнинг нафақат хавфли оғуни ташувчи шахс эканлиги, балки ўзи ҳам гиёвандлик дардига мубтало бўлганлиги аниқланди.

Тошкент шаҳар судида А.Қурбонов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлисида Ғафуржон ва Ражабгул Олимжоновларнинг жиноят ишлари кўриб чиқилди. Ғафуржон Олимжонов муқаддам судланиб, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан яна ўта оғир жиноят содир этганлиги, ушбу жиноятнинг жамият учун нақадар хавфли эканлигини ҳисобга олган ҳолда унинг мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўн беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Ражабгул Олимжонованинг ҳам мол-мулки мусодара қилингани ҳолда олти йил озодликдан маҳрум этиш тўғрисида суд ҳукми чиқарилди.

*Қўчқор ЮСУПОВ, Тошкент транспорт прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.*
*Дилшод ИСРОИЛОВ, «Тошкент оқшоми» мухбири.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан

1998 йилнинг 26 январидан 2 февралигача Брянская, Орловская, Курская, Глинка, Краснодонская кўчаларида истиқомат қилувчи 54/55-АТС абонентларида вақтинчалик алоқа бўлмайди.

* * *

**116, 137, 152, 170, 173, 191, 195, 199-АТС АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

1998 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ

ушбу АТСларда маҳаллий чиқиш сўзлашувларининг вақтини ҳисоблаш усули жорий этилмоқда. Бир ой давомида 180 дақиқага қадар (лимит) давом этадиган сўзлашувларга ҳақ белгиланган абонентлик тўлови миқдорида тўланади.

Белгиланган лимитдаги вақтдан ошиб кетган сўзлашувлар қўшимча равишда ҳисоблагич бўйича чиқиш сўзлашувининг ҳар бир дақиқасига 30 тийин ҳисобидан тўланади.

Ҳисоблаш ойи ўтганидан сўнг ҳисоблаб абонентларга почта орқали етказилади.

Январь ойи учун абонентларга ҳисоблар танишиб чиқиш учун юборилади ва бунда фақат ойлик абонент тўловигина тўланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ РАҲБАРИЯТИ АБОНЕНТЛАРГА ҲИСОБЛАР БИЛАН ЭЪТИБОР ИЛА ТАНИШИБ ЧИҚИШ ВА КЕЛГУСИДА ҲАҚ ТЎЛАШ ЮЗАСИДАН ТУШУНМОВЧИЛИКЛАР КЕЛИБ ЧИҚМАСЛИГИ УЧУН ЯНВАРЬ ОЙИДАГИ сўзлашувлар учун кетган вақтни жиддий таҳлил қилишни илтимос қилади.

**Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.**

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги қошидаги «Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бошқармаси»нинг фаолияти

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 67-36-83 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ БИЛДИРИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки шуни билдирадики, 1997 йил 15 декабрдан бошлаб Республика пул-кредит сиёсати комиссияси қарори билан тасдиқланган тартибга мувофиқ сўмларни эркин муомаладаги валютага республика аҳолиси томонидан алмаштириш ишлари банкнинг Тошкент шаҳрида қайтадан очилган барча филиалларида амалга оширилади.**

**Бу алмаштирув шохобчалари томонидан амалга ошириладиган операциялар турининг кенгайишига имкон туғдиради, шунингдек уларда аҳолига сервис хизмати кўрсатилишини таъминлайди.**

**Қуйида хорижий валюталарни марказлаштирилган таянчлар ҳисобига сотишни амалга оширадиган ихтисослашган алмаштирув шохобчаларининг жойлашган манзиллари берилган:**

| | НОМИ | ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ |
|---|---|---|
| 1. | Миллий банкнинг Тошкент вилояти бўлими | Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 29. |
| 2. | Миллий банкнинг Миробод бўлими | Миробод тумани, Банокатий кўчаси, 165. |
| 3. | Миллий банкнинг Бош операция бўлими | Ҳамза тумани, Гоголь кўчаси, 95. |
| 4. | Миллий банкнинг Ҳамза бўлими | Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 28. |
| 5. | Миллий банкнинг Собир Раҳимов бўлими | Собир Раҳимов тумани, Калонов кўчаси, 54. |
| 6. | Миллий банкнинг Тошкент шаҳар бўлими | Собир Раҳимов тумани, «Марказ-17» мавзеси, 18. |
| 7. | Миллий банкнинг Академик бўлими | Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 31. |
| 8. | Миллий банкнинг Сергели бўлими | Сергели тумани, Сергели кўчаси, 6. |
| 9. | Миллий банкнинг Юнусобод бўлими | Юнусобод тумани, 11-мавзе, 32. |
| 10. | Миллий банкнинг Шайхонтоҳур бўлими | Шайхонтоҳур тумани, «Эски Жўва» бозори. |
| 11. | Миллий банкнинг Яккасарой бўлими | Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 85. |

**Изоҳ: Миллий банкнинг Акмал Икромов (Фарҳод кўчаси, 54), Чилонзор (Халқлар дўстлиги кўчаси, 28) ва Мирзо Улуғбек (Пушкин кўчаси, 66) туман бўлимлари очилганидан сўнг 1998 йил 20 январдан эътиборан уларда ҳам ихтисослашган алмаштирув шохобчалари фаолият кўрсата бошлади.**



Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

*Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.*

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0892. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 9.272 нусхада босилди.